



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РУСТАМ ҚОСИМОВ ОИЛАСИГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРДИ

Мамлакатимиз жамоатчилиги жудоликка учради.
Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг
маслаҳатчиси, таниқли олим ва педагог Рустам Қосимов
7 май куни оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзилия хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Рустам Собирович Қосимов 1955 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетида ўқиб, меҳнат фаолиятини Тошкент сув хўжалиги институтинида араб тили таржимонлигидан бошлаган. Кўп йиллар олий таълим соҳасида турли вазифаларда ишлаган. 2004-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари сифатида фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳалар ривожига ҳисса қўшган. Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори вазифаларида ишлаб келаётган эди.

Р.Қосимовнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан

муносиб тақдирланиб, 2006 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг кўнгил сўраши оғир дамда марҳумнинг оиласига ҳамдардлик, катта далда бўлди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо қилинди.

Президентимиз марҳумнинг эзгу ишларини ёдга олди.

— Жуда қайғудаман. Қўлимиздан келганини қилдик. Худонинг иродаси экан. Ватанга садоқатли, фидоий, ақлли инсон, миллатимизнинг зиёлиларидан бирини йўқотдик. Биз жуда кўп йиллари бирга ишлаганмиз, оғир кунларимиз ҳам бўлган. Ҳозир ҳам менга энг катта ёрдамчи, маслаҳатгўй эди. Илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин. Ишларини фарзандлари давом эттирсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Марҳумнинг оиласи доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
7 май куни Россия Федерацияси Президенти
Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилакларини изҳор қилдилар.

Елкама-елка туриб бирга қаҳрамонона жанг олиб борган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган халқларимизнинг буюк жасорати миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклиги ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражада фаол мулоқотлар давом эттирилмоқда, Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида илк бор Россиядан ташқарида кенг миқёсда таш-

кил этилган Халқаро “Иннопром” кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдони кўпайтириш бўйича биргаликда қўшимча чоралар кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро алмашинувлар кенгаймоқда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Мулоқотда Президентлар халқаро кун тартиби ҳамда минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги шериклиқнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Минтақада тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Бўлажак тadbирлар режаси ҳам кўриб чиқилди. Олий даражада ўтказилиши режалаштирилган учрашувларнинг кун тартибиди тайёрлашни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Телефон орқали мулоқот ҳар доимидек самимий, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
7 май куни Қозоғистон Республикасининг
Биринчи Президенти, Элбоши Нурсултон Назарбаев
билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар Ғалаба куни ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайити билан бир-бирларини самимий табриклаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Сўхбатда Ўзбекистон — Қозоғистон кўп қиррали ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди, Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Турли даражалардаги фаол ва самарали икки томонлама мулоқотлар туфайли ҳамкорлик ижобий суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 28 фоизга ўсди. Ўтган ойда чегараолди ҳудудлардан бирида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича халқаро марказ қурилиши бошланди.

Устувор инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини биргаликда тайёрлаш ва амалга ошириш, жумладан, Учқудуқ — Қизилўрда автомобиль ва темир йўллари ҳамда Туркистон — Тошкент тезорар темир йўлини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Икки мамлакат ҳудудлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, маданий-гуманитар алмашинув борасидаги муҳим дастурлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Элбоши биродар халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, ишонч ва шериклик руҳидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада кенгайтириш муҳим эканини алоҳида таъкидладилар.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШМОҚ ИСТАГИ

Қудратилла РАФИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати аъзоси, сиёсатшунос

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондор,
Тил воситаси робитаи оламиёндор.
Ғайри тилини саъй қилинг билгали ёшлар —
Ким илму хунарлар ривожин ондин аёндор.

Бу мисраларни бундан бир аср илгари маърифатпарвар бобомиз Аваз Утар ёзган. Биз бугун ўта қолоқ деб қарашга ўрганиб қолганимиз ўша замонда ҳам тил ўрганишга тараққиётнинг, дунё билан бўйлашишнинг муҳим воситаси сифатида қаралганига бобомизнинг ушбу хитоби ҳам ёрқин мисол бўлиши мумкин.

Энди бугунги глобаллашиб, маданиятлар қоришиб, қадриятлари миллий ўзлик тушунчалари орасидаги масофалар тобора қисқариб бораётган замонавий-постмодерн дунёда жаҳонга интеграциялашишда тил омилли муҳим ва асосий фактор сифатида яна майдонга чиқди.

Бугун замоннинг ўзи шундай тенгламани ҳосил қилдики, унга кўра, тил билмасанг халқроқ бизнесда, сиёсатда, иқтисодиётда, илм-фанда, ахборот ва коммуникация тармоғида сенга жой йўқ. Шафқатсиз ва адолатсиздай туюлувчи ушбу талаб, гарчи кўпчиликка ўнғайсизлик туғдирса-да, бугун барча томонидан тан олинган ва деярли қадрият даражасига айланган бораётган таъминилдир.



Тил масаласи ижтимоий фактор ўлароқ, сиёсий-мафқуравий аҳамият ҳам касб этган. Ҳозирда буни илғаш кўп қийин эмас. Нега десангиз, тилга барча замонларда миллатнинг маданиятини, ўтмишини, руҳияти ва ўзлигини ўзида акс эттира оладиган энг қимматли бойлик, илмий тилда айтганда, энг ноёб, махсус миллий код сифатида қаралган ва ҳозирда ҳам шундай.

Зеро, бу масалага ўта тор нуқтаи назардан ёндашиш турли тушунмовчиликларни келтириб чиқариши ҳам бор гап. Масалан, баъзи жамиятларда мавжуд радикал ва ультраимпериалистик қанотларнинг “хукмрон тил”, “гегемон тиллар” ва гуёки улар ташлаётган қўламанка остида миллий тилларнинг қолиб кетаётгани ҳақидаги бақир-чақирларига ижтимоий тармоқларда кунда-кунора кўзингиз тушиши

мумкин. Эҳтимол, уларнинг “оҳ-воҳи”да ҳам жон бордир, балки улар мансуб жамиятлар ҳукмрон сиёсий элитаси масалага бир томонлама ёндашаётгандир. Яъни жамиятга жаҳон тилларини трансформация қилиш миллий тилларнинг “пилигини пасайтириш” эвазига бўлаётгандир. Шундай ҳам бўлиши мумкин. Албатта, бу йўл адолатли эмас.

Шу маънода гапирганда, тил ўрганиш бугун қанчалик долзарб аҳамият касб этишига қарамасдан, миллий жамиятлар олдида “глобал таъсир”лардан ҳимояланиш масаласини ҳам кўндаланг қўяётир.

Бу, энг аввало, этник хусусиятлар, жумладан, миллий тилни ривожлантириш ва парваришланиши назарда тутати.

Менинг бу мулоҳазаларни ёзишимга, албатта, сабаб бор. Кеча Президентимизнинг жаҳон тилларини ўрганишга бағишлаб ўтказган видеоинтервьюни йўғилиши, уйлайманки, мендан бошқаларда ҳам фикр уйғотгани ёки қалам тебратилганга илоҳим берган бўлса, ажаб эмас.

Зотан, хорижий тилларни ўрганиш масаласи давлат раҳбари даражасида қатъий айтилиши ва кун тартибига қўйилишига аллақачон вақт етилган эди.

Бу ўринда айнан бугун, илгарида ҳам бу масала муҳим бўлмаганим, деганга ўхшаш иддаолар бўлиши мумкин. Бироқ мен ушбу масала жуда ўринда ва оби-тобида кун тартибига чиқарилганини бир қанча мисоллар билан асослашим мумкин.

▶ Давоми 2-бетда

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



“ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА” НОМЛИ КИТОБ-АЛЬБОМ НАШР ЭТИЛДИ

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши ҳамда фронт ортида жасорат кўрсатган аждодларимизга доим муносиб эътибор ва эҳтиром кўрсатиб келинади. Уларнинг номларини абадийлаштириш, бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш борасида ибратли, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб “Ғалаба боғи” мемориал мажмуасининг барпо этилиши, у ерда “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат мадҳияси” монументлари, тарихий-бадий экспозицияларнинг қамраб олинishi бунинг яққол мисолидир.

▶ Давоми 2-бетда

ВАТАНДА ЮКСАЛАР ЭЗГУ ХОТИРА

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари —
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, генерал майор

Тинчлик-хотиржамлик — умр йўлидаги энг олий неъмат. Бу, ҳам миллий, ҳам умуминсоний ўлмас қадрият. Тинчликсиз инсон на кўнгилда, на ҳаётда ором топади. Оилалар халқлар, мамлакатлар обод ва фаровонлиги ҳам амалга ошмайди. Халқимиз дуосида, тилагида ҳам “тинчлик-хотиржамлик” мустақкам жой олгани бежиз бўлмаса керак.

Биз азалдан тинчликсевар халқмиз. Тинчлиқни сақлаш, ўтганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириш, ёши улугларни қадрлашдек меросимиз, анъаналаримиз бор. 9 майни Хотира ва қадрлаш куни, умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад мужассам.

▶ Давоми 4-бетда



Шерзод ШЕРМАТОВ,
халқ таълими вазири

▶ Давоми 2-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

ДУНЁ БИЛАН БЎЙЛАШМОҚ ИСТАГИ

Бошланиши 1-бетда

Биринчи ва энг муҳим жиҳат, Президентимиз олиб бораётган, юритаётган сиёсатнинг нихоятда нозиклиги ва пухта ўйлангани билан боғлиқ. Очиғи, кўпчилик қатори менга ҳам бу ишлар бундан, айтайлик, уч-тўрт йил илгари амалга оширилганда ҳам бўларди, деган қараш бегона эмас эди. Бироқ масаланинг ва кечаётган жараёнларнинг узвийлигини таҳлил қилиб, бу ишларнинг пухта режа асосида амалга оширилаётганини англадим. Дарҳақиқат, агар бизда тўрт йил илгари шу масала кўтарилганда қандай аҳвол бўларди, халқро жамоатчилик, қолаверса, халқ буни қандай қабул қиларди? Деярли ўз ҳолига ташлаб қўйилган таълим тизими, маориф ва маънавий-мафкуравий соҳалар, айниқса, давлат тилининг уятли аҳволи... Шундай бир ҳолатда жаҳон тилларини ўрганишимиз керак, деган ҳаёзжонли чакриқ қандай акс таъсир бериши мумкин эди?

Албатта, миллий ғурур, шаън-шавкатни баланд тутадиган миллатимиз, жамоатчилик, қолаверса, бошқа бизга неқбин қарашда бўлган дўстларимиз кўнглида ҳам аввал ўз тилининг, ҳеч курса, буюк Навоийнинг тили бўлгани учун ҳам ўзбек тилининг ҳурматини жойига қўйиш керак эмасиди, деганга ўхшаш фикр ўтиши табиий эди, назаримда. Ва бу адолатли ҳам бўларди.

Шу нуқтада Президент Мирзиёевнинг жаҳон тилларини ўрганишни кенг тарғиб қилиш ва уни ўрганишни жорий этиш бўйича зарур механизмларни яратиш ва ишга туширишни кун тартибига қўйгани янада ойдинлашади.

Эътибор қилинг, Мирзиёев раҳбарлиги даврида энг кўп эътибор қаратилган, жон қойилган масала — миллий масала бўлди. Айниқса, тил масаласи. Жамиятда ва давлат ишларида тилимизнинг макеини ошириш, унинг дунёдаги юзлаб тиллар қаторида ҳеч бир нуқсонни йўқлиги, балки гўзал ва латофатли она тилимиз қадимий ва бой эканини кўрсатиш, унинг нуфузини оширишга қаратилган жуда катта ишлар амалга оширилди. Муҳим муваффақиятларга эришилди ҳам. Жумладан, **Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилиши, миллий давлатчилигимиз саҳифаларига чин маънодаги тарихий воқеа бўлиб кирган Президентимизнинг БМТ минбарида илк мартаба ўзбек тилида нутқ қилиши, қолаверса, тилимизни ҳали тарихда бўлмаган босқич — сиёсат тили даражасига кўтаришга бўлган ҳаракат (давлатимиз раҳбарининг шу йил мамлакатимизга ташриф буюрган Венгрия Бош вазيري билан бўлган музокаралари ўзбек тилида ўтказилгани) миллий давлатчилигимиздаги шонли воқеалардир, қолаверса, маъмурий бошқарув ва давлат ишларида тилимизнинг аҳамиятини тўла таъминлаш, мактаб ва олий таълимда унинг нуфузи ва ўрганилишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар, ўйлаиманки, бу борадаги манфаатларимизни тўла таъмин эта олди.

Сўз тил ўрганиш ҳақида кетар экан, яна бир муҳим жиҳатни ҳам айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистоннинг бугун очиқ давлатга айланиши мамлакатга қўлаб инвесторлар, чет эл корхона ва компанияларини чорлаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Кузатган бўлсангиз, пандемия бўлишига қарамай, кўчаларимизда хорижлик одамлар хийла кўпайган. Эътибор берсангиз, уларнинг кўпчилиги нафақат сайёҳлар, балки иш одамлари, тадбиркорлар ва тижоратчилар эканини пайқайсиз. Демак, юртимиз ишбилармонлик ўчоғига айланмоқда. Яқинда бир хориж наشري халқа-

ро экспертлардан бирининг минтақамиз ҳаётига бағишланган таҳлилий мақоласини берди. Унга кўра, Ўзбекистон яқин йилларда минтақанинг молиявий ва бизнес марказига айланиши мумкин.

Майли, бу кўп мулоҳазаларга олиб келадиган, қолаверса, биз танлаган мавзудан бироз узоқроқ гап. Бироқ ундан чиқариш керак бўлган сабаблар бор. Мамлакатимиз очикликини, барча халқро муносабатлар, шу жумладан, иқтисодиётда, бизнесда эркинлик йўлини тутиб, марра сари интилаётган экан, бизга қизиқиш билдирадиган чет эл компаниялари ва ишбилармонларнинг ҳам сафи кенгая бориши табиий. Бундай пайтда эса фарзандларимизнинг тил билиши, хорижликлар билан тенгма-тенг муносабат олиб бориши биз учун ўта муҳим саналади. Қолаверса, тил билиш бугун ҳар сонияда ривожланаётган югүрик дунё илм-фанини воситачи учинчи тилларсиз тўғридан-тўғри ўқиб-ўрганиш имконини ҳам беради. Шу маънода, Президентимизнинг ушбу масалани кун тартибига олиб чиқиши, ўйлаиманки, нихоятда долзарб аҳамиятга эга ва ўз вақтида қилинган ишдир.

Бизда бир ишга кўп уришдан олдин ўтмишга, ота-боболаримиз тутган амалларга қараб мўлжал олиш одат тусига кирган. Бу хайрли иш, албатта. Мазкур масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ҳеч адашмаётганимиз ойдинлашади. Тарихда ўчмас из қолдирган, инсоният тамаддулларининг бешигини тебратган аждодларимиз илм бобида, жумладан, тил билиш борасида кўп ва хўп қимматли ишларни амалга оширганлари тарихдан маълум. Биргина буюк мутафаккир аз-Замашарий араб грамматикаси, лугат-шунослик, адабиёт, аруз илми, жўғрофия, тафсир, ҳадис ва фикҳга оид эллиқдан ортик асарлар яратгани, бобомизнинг араб тили грамматикасига оид “Ал-Муфассал” асари араб тили нахву сарфини ўрганишида ийрик қўпланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шухрат топган асарлардан эканини бугун биз фахр билан эса оламиз.

Ёки тарихдан кўп узоқламай XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган Ибрат домлани олайлик. Исҳоқхон Ибрат дунёвий билимларни чўқур ўрганиш билан бирга, еттита тилни мукаммал билган. “Олти тилли лугат”, “Хатлар маҳмуи”, “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Замон тарозуси” каби ўндан ортик илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар яратган. 1886 йилда замонавий мактаб очган. 1907 йилда эса янги “усули савтия” мактабини ташкил этиб, қишлоқ болаларини ўқитган. Албатта, халқимизнинг қонида, менталитети ва зеҳниятидаги зиёга бўлган бу интилиш бугун ҳам томирларимизда жўш уриб турибди. Бунга мисол қидириб мамлакат кезиш шарт эмас. Ўндай ёшлар, интилувчан, зукко болаларимизни бугун ҳар қадамда учратиш мумкин.

Мана, оддий мисол. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 43-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Саидқарим Турсунбоев бешта тилни, хусусан, ўзбек, инглиз, рус тилларини мукаммал, тожик ва немис тилларини ўрта даражада билади.

У шу йил хориждаги 68 та олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Уларнинг орасида АҚШ, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Италия, Сингапур, Малайзия каби мамлакатларнинг номдор университетлари бор.

Аммо иқтидорли ўқувчи хорижда эмас, ўзимизнинг маҳаллий олий ўқув юртларимиздан бирида таълим олмоқчи. Унинг бир гали мени нихоятда тўлқинлатирди. Ушбу сўзларни батафсил келтиришни жоиз билдим. “Мен ўз ватанимда ўқиб, шу ерда ишла-

моқчиман. Ватаннинг хизматида бўлсам, шунинг ўзи менга шароф. Токи, ўқиш давомида тенгдошларимга мотивация беришим мумкин. Шу билан бирга, ёш авлодга хорижий тиллардан сабоқ бераман. Ҳозирда ҳам ўқув марказида дарс бермоқдаман. Яна бир гап, тил билиш — фақатгина дунёни билиш дегани эмас. Тил билиш бошқа фанларга йўл очади, дунёга назар солиш имкони кенгайди, деганидир. Мен аслида тарих, математика ва физика фанларига қизиқаман. Тарих менга ўзликини, Миллат ва Ватан туйғусини англашим учун, математика ва физика келажак учун керак...”

Президентимиз раҳбарлигида бошланган мазкур иш юртимизда минглаб, миллионлаб Саидқаримга ўхшаган фарзандларимизнинг камол топишида қанот вазифасини ўташи, шубҳасиз. Амалга оширилиши кўзланаётган тизим пухта ўйлангани билан кишига янада қучлироқ ишонч бахш этади. Хусусан, унга кўра, эндиликда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилади. Агентлик, энг аввало, дунёда самара берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини боғча, мактаб, лицей, олийгоҳ ва ўқув марказларида жорий этиб, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришга кўмаклашади. Бунда, таълим муассасалари, тармоқлар ва худудларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилини (инглиз, рус, немис, француз, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс) ўргатишни ташкиллаштиради. Жаҳон тиллари ва Шарқшунослик университетлари, Самарқанд чет тиллари институти билан бир қаторда, ҳар бир вилоятда биттадан университет чет тиллар бўйича таънч олийгоҳ сифатида белгиланади. Инглиз тили бўйича Кэмбриж университети нашриёти дарсликлари 200 та мактабда апробациядан ўтказилиб, кейинги йилдан барча мактабларга татбиқ қилинади. Йил якунига қадар бу ишларни немис, корейс, хитой ва француз тиллари бўйича ҳам ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Булардан ташқари, Британия кенгаши, Гёте институти, Француз альянси, KOICA, JICA, Конфуций институти каби хорижий шериклар билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлиги йиғилишда айтиб ўтилди.

Яна бир муҳим масала — республикада чет тиллари нодавлат ўқув марказларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида жойлашгани ҳисобга олиниб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига 1 июлдан бошлаб, қишлоқ туманларида 5 тадан чет тиллари бўйича ўқитиш нодавлат ўқув марказларини ташкил этиш бўйича танлов эълон қилиш тўғрисида топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Адабий тилимизнинг асосчиси ҳазрат Навоий шундай деган эди: *“Кўнғил қулфи маҳранинг қулфи тил ва гулфил қалитин сўз бил”*, яъни инсон қалби хазинасининг қалити сўзди, тил наинки мулоқот, балки дилларни боғловчи восита ҳамдир. Халқимизнинг неча асрлик бой тарихи, кўҳна ва серқирра маданияти ўзбек тили таъсирида шаклланган. Тил билмоқ, ўз навбатида, дунёга ўзбек тилида сўз айтмоқ учун имкон яратади.

Ватан тақдирини учун, истиқболи учун ҳар дам ёниб яшаётган, ҳар бир куну тунини ана шундай улуғ мақсадга йўналтирган Миллат Сардоридини бу галги йиғилишидан мен ана шундай тасаввур олдим. Ўйлаиманки, бугун қалби уйғоқ ҳар бир ватандошимизнинг дилида ҳам шундай ўйлар кечмоқда, онгу шуурида бу ташаббусни қўллаб-қувватлаш истаги ёнмоқда.

Ўқитувчиларга муносиб шароитлар яратиш, малакасига қараб рағбатлантириш, халқро сертификатнинг дастлабки ва ўрта даражасини олганлар ойлик маошига 40 фоиз, юқори натижа кўрсатганларга 50 фоиз устама берилиши билим ва таълим бериш сифат кўрсаткичлари ошишида ижобий натижа кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир шаҳар, туман ҳокимлигига ҳам чет тили ўқитувчиларига эътибор қаратиш, чет тилни ўрганиш муҳитини яратиш бўйича катта вазифа қўйилди. Қайси вилоят ёки туман ҳокими халқ таълими мутасаддиларини тушуниб, уларга қўмак бераётган бўлса, ўша туманда ижобий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб, кузатиб турибмиз. Туман, шаҳарлардаги инглиз ва бошқа чет тили ўқитувчиларидан энг яхши икки нафарини маҳаллий бюджет ҳисобидан хорижий стажировкага жўнатиш белгиладди. Мактаблар бўйича алоҳида танловлар ўтказилиши вазифаси қўйилди, улар туман, вилоят ва республика даражасида қолиб бўлса, ўша мактабга 500 миллион сўм берилади.

Бундан бўёғига давлат муассасаларида ҳаммага лавозимига қараб тил даражасини билиш талаблари қўйилган бўлди. Чунки таҳлил қиладиган бўлсак, дунёда аҳолиси чет тилни яхши биладиган давлатлар иқтисодиёт, инвестиция масалаларида етакчи эканини кўриш мумкин.

Йиғилишда таҳлил қилинган муаммолар ва белгилан берилган устувор вазифалар асосида келгуси 3 йил давомида мактаблардаги чет тили ўқитувчиларининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, кўрсаткичи яхши бўлган мактабларни рағбатлантириш ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз.

ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ РУСТАМ ҚОСИМОВ



Мамлакатимиз давлат ва жамият бошқаруви соҳаси оғир жудоликка учради. Кўзга кўринган давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, таниқли олим ва педагог Рустам Собирович Қосимов оғир касалликдан сўнг шу йил 7 май куни 65 ёшида вафот этди.

Р.Қосимов 1955 йил 30 августда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетида таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини Тошкент сув ҳажалиги институтида бошлаб, бир неча йил давомида хорижий Шарқ мамлакатларида таржомон бўлиб хизмат қилди. Кейинчалик Тошкент давлат университетида тадқиқотчи, ўқитувчи, катта ўқитувчи, факультет декани лавозимларида самарали ишлади, педагогик фаолиятни илмий изланишлар билан уйғун ҳолда олиб бориб, иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ва доцент унвонига сазовор бўлди.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Р.Қосимов Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Тошкент давлат техника университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида кафедра мудири, факультет декани, Банк-молия академияси ректори, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари ва вазир, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари каби масъул вазифаларда сидқиқилдан меҳнат қилиб, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасини замон талаблари асосида ривожлантириш,

юксак малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Шунингдек, у Ўзбекистон Касаба уюмлари федерациясининг бошқарув тизимида турли лавозимларда ишлаб, жамиятимизда фуқаролик институтларининг ўрни ва нуфузини ошириш борасида жонбозлик кўрсатди.

Бутун онгли ҳаётини эл-юртга беминат хизмат қилишга бағишлаган фидойи раҳбар мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида фаол иштирок этди. Ушбу даврда олий ва ўрта махсус таълим вазирини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Давлат маслаҳатчиси, Давлат бошқаруви академияси ректори лавозимларида қизгин фаолият олиб борди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ва айни вақтда Ўзбекистон халқро ислом академияси ректори лавозимларида самарали ишлаб, юртимизда миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, диний-маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, маҳалла институтининг ўрни ва нуфузини ошириш, нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилган муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ўзининг бой билим ва тажрибаси, юксак салоҳиятини сафарбар этди.

Р.Қосимов салкам 50 йиллик меҳнат фаолияти давомида қайси лавозимда ишламасин, доимо халқимиз ва Ватанимиз манфаатини кўзлаб, фидокорона меҳнат қилди. Мамлакатимиз жамоатчилиги унинг илм-фан, таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, Ўзбекистоннинг халқро обрў-эътиборини ошириш борасидаги хизматларини яхши билади ва юксак қадрлайди.

Р.Қосимов давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари учун “Меҳнат шухрати” ордени билан мукофотланган эди.

Халқимизнинг етук фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёшларнинг меҳрибон устози, камтарин ва самимий инсон Рустам Собирович Қосимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, З.НИЗОМИДДИНОВ


“ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА” НОМЛИ КИТОБ-АЛЬБОМ НАШР ЭТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

9 май — Хотира ва кадрлаш кунини умумхалқ байрами арафасида мазкур йўналишдаги эзгу фаолиятнинг узвий давоми сифатида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини чўқур ўрганиш ва тарғиб этиш, унга доир янги ҳужжатлар билан халқимизни таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази томонидан “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” номли китоб-альбомни тайёрланди ва “Ўзбекистон” нашриёти томонидан нашр этилди. Бу ҳақда Фанлар академияси матбуот хизмати маълум қилмоқда.

“Шон-шараф” давлат музейида мазкур китоб-альбом тақдироти ўтказилди. Унда китоб-альбом муаллифлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Китоб-альбом Президентимизнинг буюк Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда “Хотира ва кадрлаш кунини”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бошланиб, “Ғалаба боғи — Хотира ва кадр маскани”, “Матонат мадҳияси” монументи — она Ватан рамзи”, “Мангу жасорат” монументи”, “Шон-шараф” давлат музейи”, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасидаги илмий-маърифий ва оммавий-маданий тадбирлар”, “Миннатдорлик туйғуларини”, “Халқро эътироф”, “Халқимизнинг жасорати ва матонати ҳақида ҳикоя қилувчи янги асарлар”, “Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон: янги тадиқотлар ва изланишлар



объекти”, “Мангу жасорат намуналари”, “Янги архив ҳужжатлари”, “Фронт газеталари”, “Аскар хатлари”, “Меҳр-саховат ва чин инсонийлик намунаси”, “Унутмас сизларни Ватан”, “Халқ жасорати эҳтиром”, “Аждодлар жасорати — тинчлик ва тараққиётимизнинг мустақкам замини” каби бўлимлардан таркиб топган.

Мазкур китоб-альбом шу кунгача ўрганилмаган янги архив ҳужжатлари асосида ўзбек (кирилл, лотин), рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Ушбу китоб ҳамюртларимизнинг шонли Ғалабага қўшган ҳиссаси нечоғли залворли экани, ўша оғир ва машаққатли кунларни халқимиз қандай матонат ва жасорат билан бошидан ўтказганини, тинчлик ва озоишталик дунёдаги тенгсиз неъматлигини ўқувчилар, айниқса ёшларга етказишда гоят катта аҳамият касб этиши муқаррар.

Н.УСМОНОВА,
Ўза

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари соҳадаги мавжуд ютуқ ва камчиликлар хусусида сўз юритар экан, хорижий тилларни ўргатиш бўйича янги тизимнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш топширигини берди.

Халқ таълими тизимидаги мактабларда, афсуски, йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларимиз бор. Уларнинг асосийларига ечим сифатида ўқитувчиларнинг чет тилларни билиш салоҳияти ва малакасини ошириш вазифаси қўйилди. Бунинг учун, биринчи навбатда, рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилади.

Бугун айрим мактабларда чет тилларни ўқитиш сифати қониқарсиз ва бу Президентимиз томонидан ўринли танқид қилинди. Хусусан, 1 400 та мактабда чет тилни ўқитиш сифати яхши эмаслиги, мактаблардаги 11 минг ўқитувчидан 49 фоизи тестдан ўта олмагани бунинг яққол далилидир.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида чет тилларни чўқур ўргатиш учун туман ва шаҳарларда 207 та мактаб танлаб олинди. Уларда хорижий адабиётлар, илгор ўқув дастурлари ва методикаларидан эркин фойдаланиш ҳамда фанларни чет тилда ўқитиш йўлга қўйилиши, вилоят ҳокимликларида мактабларда чет тилни ўқитиш сифатини ошириш учун маҳаллий бюджетдан ҳар бир туман ва шаҳарга 1 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши белгиланган тил ўргатишда жуда муҳим қадам бўлади.

Ихтисослашган мактаблар ва олий ўқув юртларига тил эгаси бўлган хорижлик ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳар бир



туманда танлов ўтказиб, чет тили ўқитувчиларини хорижда малака оширишини йўлга қўйиш муҳимлиги айтилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйиш вақти-соати келди. Бунинг учун мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида иккита чет тилни мукаммал билиши зарур. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги ташкил этилаётгани жуда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур агентлик олдида катта вазифалар белгилаб берилди. У дунёда самарали натижа берган ўқитиш методикалари, дастур ва дарсликларини таълим тизимига жорий этиб, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштиришга кўмаклашади. Таълим муассасалари, тармоқлар ва худудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, камида 10 та чет тилни ўргатишни ташкиллаштиради. Шунингдек, вазирилик, идора ва бошқа иш бе-

рувчилар билан бирга хизматчиларнинг касбий фаолиятини хорижий тилларда тўлиқ амалга ошириш имкониятини берадиган методикаларни ишлаб чиқиб, шароитга мослаган ҳолда амалиётга татбиқ этади. Давлат тилидан хорижий тилларга ва хорижий тиллардан давлат тилига профессионал таржима қилиш методикаларини яратиш ҳам унинг асосий вазифаларидан бири бўлади. Агентлик хорижий тилларни билиш рейтингини юритган ҳолда чет тили ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

Чет тили сертификати учун имтиҳонларни топшириш — бу ҳам пул. Давлатимиз раҳбари агар ўқитувчи юқори даражадаги IELTS оладиган бўлса, бунинг ҳам харажати давлат томонидан қўллаб берилишини билдирди.

Бир сўз билан айтганда, эндиликдан “боғча — мактаб — олий таълим — корхона” занжири бўлиши орқали аҳолининг барча қатламига мос бўлган методика, тасвия ва дарсликлар ишлаб чиқилади.

ТАҲЛИЛ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

2020 ЙИЛДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИДАГИ УЛУШИ 53,9 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ



Аъзам ИКРОМОВ,
Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари

Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантиришни рағбатлантириш билан бирга унинг таркибида хусусий мулкка асосланган субъектлар улушини ошириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг амалий натижалари эса халқаро рейтингларда ўз ифодасини топаётгир.

Агар буни айрим шаҳарлар ми-солида оладиган бўлсак, Анди-жон шаҳрида 11 023 та, Самарқанд шаҳрида 10 190 та, Наманган шаҳри-да 9 146 та субъект мавжудлигини кўриш мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари кеси-мида эса энг юқори улуш савдо соҳа-сида — 131 597 тани ёки жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг 32 фоизини, саноатда 82 746 та ёки 20,1 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчи-лик ҳўжалигида 40 719 тани, қури-лишда 40 695 тани ва мос равишда 9,9 фоизни, майишй ва овқатланиш хизматларида 7,3 ҳамда бошқа фао-лият турлари бўйича 12,6 фоизни ташкил этган.

2020 йилда фаолият юритган ки-чик тадбиркорлик субъектлари (фер-мер ва деҳқон ҳўжаликлари билан бирга) сони ҳар минг кишига нисба-тан ҳисоблаганда мамлакат бўйича 15,6 бирликка тенг бўлди. Ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрида 32, Сирдарё вилоятида 21,1, Навоий вилоятида 21 ва Жиззах вилоя-тида 18,7 бирликка тўғри келган.

Иқтисодийнинг асосий тармоқла-ри ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини қўйидаги таҳлиллар орқали кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йилда ушбу тармоқ субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 288 триллион 608,3 миллиард сўмни ёки 53,9 фоиз-ни ташкил этган.

миллиард сўмлик она замин неъмат-лари эл дастурхонига етказиб берил-ди, муайян қисми экспорт қилинди.

Қурилиш соҳасида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Хусусан, 2020 йилда 63 триллион 614,9 миллиард сўм ёки жами бажарилган қурилиш ишлари-нинг 72,4 фоизи айнан кичик тадбир-корлик субъектлари ҳиссасига тўғри



нинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, 2020 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 100 триллион 395,3 миллиард сўм ёки жами киритилган инвестициялар ҳаж-мининг 49,7 фоизини ташкил этди ҳамда 2017 йилга нисбатан 11,6 фоиз кўпайди.

Асосий капиталга киритилган инвести-цияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий ин-вестицияларнинг 78,7 фоизи ёки 1 мил-лиард 370,6 миллион доллари, давлат кафолати остида бўлмаган хорижий ин-вестицияларнинг 80,1 фоизи ёки 1 мил-

Сўнгги йилларда савдо объект-ларининг, айниқса, кенг тармоқли савдо шохобчаларининг бутун мам-лакатимиз бўйлаб ишга туширилиши билан чакана савдо товар айланма-сида кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектларининг улуши ҳам сезиларли даражада кўпайди. 2020 йилда жами чакана савдо то-вар айланмаси 160 триллион 85,3 миллиард сўмга етган бўлса, унинг 82,2 фоизи кичик ва хусусий тадбир-корлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик субъектла-ри мамлакатимиз экспортида ҳам муҳим ўрин тутиб, улар томонидан 2020 йилда 3 миллиард 100,6 мил-лион АҚШ доллари миқдорида маҳ-сулот (товар, ишлар ва хизматлар) экспорти амалга оширилди ва 2017 йилга нисбатан 341,3 миллион дол-ларга кўпайди.

Пандемия шароитида, яъни мам-лакатда кескин карантин чорала-ри жорий этилганига қарамай, ки-чик тадбиркорлик субъектларининг фаоллиги билан ўтган йили 86 дав-латга маҳсулот ва хизматлар экс-порти амалга оширилгани эътиборга молик.

Мамлакатимизда хизмат кўрса-тиш соҳасига қаратаилаётган эъти-бор туфайли мазкур йўналишда ҳам ривожланиш кузатилмоқда. Хусу-сан, 2020 йилда кўрсатилган жами хизматларнинг 112 триллион 743,5 миллиард сўми ёки 51,5 фоизи кичик тадбиркорлик субъектлари томони-дан амалга оширилди.

Айтиш жоизки, аҳоли бандлиги-ни таъминлаш борасида ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг ўрни ниҳоятда сезиларли ва аҳамиятли бўлиб бормоқда. Хусусан, бугун-ги кунда жами банд аҳолининг 75,1 фоизи айнан шундай субъектлар то-монидан иш билан таъминланганини алоҳида қайд этиш керак.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳажми ва улуши		
Соҳалар	Ҳажми, млрд.сўм	Улуши,% да
Жами	288 608,3	53,9
шу жумладан:		
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги	146 870,9	97,1
Қурилиш	28 453,1	75,9
Хизмат кўрсатиш	76 246,8	39,2
Саноат	37 037,5	24,3

Саноат тармоғида кичик бизнес субъектлари ҳиссасининг ўсиши қу-лай ишбилармонлик муҳити, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасаи-тирилиши, ресурслардан ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш шарт-ларининг соддалаштирилиши нати-жасида таъминланмоқда. Жумладан, 2020 йилда улар томонидан 100 триллион 796,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, тармоқ умумий ҳажмидаги улуши 27,5 фоизга етган.

Саноатнинг таркибий йўналиш-лари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий улуши қай-та ишлаш саноатига тўғри келади — 97,1 фоиз.

Ўз навбатида, оғир пандемия ша-роитига қарамасдан, 2020 йилда тадбиркорлар томонидан 16 трил-лион 367,4 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 15 триллион 674,4 миллиард сўмлик тўқимачилик ва кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Қишлоқ ҳўжалиги мамлакатимиз агросаноат мажмуининг етакчи тар-моғи бўлиб, деҳқончилик, чорвачи-лик ва мева-сабзавотчилик маҳсу-лотлари ишлаб чиқаришни қамраб олади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқа-ришдаги улуши 2020 йилда 97,0 фо-изга етди ёки 252 триллион 485,7

келди. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2,4 фоиз кўп.



Шу билан бирга, 2020 йилда мам-лакатимизда 1 триллион 379,3 мил-лиард сўмлик арзон уйлар, 4 трил-лион 85,1 миллиард сўмлик янги турар-жойлар кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, иқтисодий ислохотларни амалга оши-риш инвестицияларни, хусусан, турли соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини амалиётга самарали татбиқ этиш билан таъминланади. Амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ҳажмига қара-б, иқтисодийда юз бераётган ўзгариш ва силжишлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Шу боис ҳам инвестиция жалб қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бугунги кунда мамлакатимиз тараққиёти-

лиард 492,7 миллион доллари, бошқа турдаги хорижий инвестицияларнинг 71,2 фоизи, яъни 201,4 миллион доллари ай-нан кичик тадбиркорлик субъектлари то-монидан жалб қилинган.



ТОМОРҚАЧИЛИК

ЕР — ҲАЗИНА, КАЛИТИ — МЕҲНАТ

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Чўп суқсанг кўкарадиган еримиз бор. Ундан унумли фойдаланганлар тўқ, фаровон яшамокда. Аслида, нўх қадан, уруғ сепиш ишлари узоғи билан ўттиз кундан ошмайди. Шу вақт ичида экканинг — улгурганинг. Акси бўлса, қуруқ қўл билан қолаверасан. Ернинг умри зое кетади. Мамлакатимизда аҳоли томорқаларидан самарали ва унумли фойдаланиш, бир йилда икки-уч марта ҳосил олаётган хонадон эгалари тажрибасини кенг ёйиш бўйича кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Навоий вилоятидаги аҳоли хонадони ва деҳқон ҳўжаликлари ихтиёрида 12786 гектар томорқа май-дони мавжуд. Ушбу томорқанинг 116 гектарида 8869 та ихчам иссиқхона қурилган. — Ўтган йили 1853 та аҳоли хонадонида ўз маб-лағлари ва имтиёзли кредитлар ҳисобидан ихчам конструкцияли иссиқхоналар қурилди, — дейди Навоий вилояти фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг масъул ходими Акмал Муродов. — Натижада вилоят бўйича 24,2 гектар томорқа ер майдонида ўз фаолиятини йўлга қўйган иссиқхоналарда қўллаб иш ўринлари яра-тилди. Хонадонларда ташкил этилган кичик иссиқ-хоналарда икки-уч мартаба ҳосил олиш имконияти

туғилмоқда. Бунинг натижасида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида маҳсулот етишти-ришга ихтисослашган маҳаллалар сони кўпайиб борапти. Айни пайтда ҳам иссиқхоналар қуриш ишлари давом этяпти.

Шу ўринда айтиш жоизки, яқинда Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ишчи гуруҳи вилоятнинг Хатирчи туманида бўлиб, аҳоли ўртасида томорқа мада-ниятини янада ошириш, бу борада қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида семинар ташкил этди. Унда жорий йилнинг 1 апрелида қабул қилинган “Томорқа ҳўжа-лиги тўғрисида”ги ва “Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида”ги қонунлар мазмун-моҳияти аҳолига тушунтирилди.

— Қонунларга кўра, эндиликда иш билан банд бўлмаган фуқаролар белгиланган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахс макomini олиши мумкин, — дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликла-ри ва томорқа ер эгалари кенгаши ходими Умрзоқ Раҳматов. — Бу жараёнда томорқадан самара-ли фойдаланиш талаб этилади. Айтиш лозимки, деҳқончилик омилкорлиқни талаб қилади. Бугун замон талабидан келиб чиқиб, қишлоқ ҳўжалиги, жумладан, томорқачиликка инновацияни кенг жалб қилиш ишлари йўлга қўйилган. Бир вақтда бир неча экинни ёнма-ён экиш, томорқадан самарали фой-даланиш, сувни тежаш каби соҳага оид янгиликлар мутахассислар томонидан деҳқонларга тушунти-риб борилмоқда.

Хатирчи туманидаги “Галабек” маҳалласида бў-либ ўтган тадбирда аҳоли томорқаларидан фойда-ланиш тажрибалари ўрганилди. Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи Абдулло Саъдуллаев томорқа-сида 2-3 мартаба сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб, бозорларга етказиб бермоқда. Тадбир давомида бу каби уста деҳқонларнинг иш тажриба-

сини омалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— 6 сотих еримиз бор. Томорқамиздан йил даво-мида 2-3 мартаба ҳосил оламиз, — дейди Абдулло Саъдуллаев. — Унга эрта баҳорда қулупнай, сабзи, помидор, бодринг каби полиз экинлари эканмиз. Ҳозир қулупнай пишди, сотялмиз. Помидор ва бод-ринглар эса ҳосилга кирган пайт. Қулупнай тугагунча улар ҳам етилиб қолади. Шунингдек, богимизга ҳар хил мевали дарахтлар эканмиз. Ўтган йили мева-лар мўл ҳосил бериб, даромадимиз ҳам шунга яра-ша бўлди. Аминманки, бир парча ери бор одам хор бўлмайди. Чунки “Ер элни боқадӣ”, деб бежизга ай-тилмаган. Томорқада етиштирган маҳсулотларимиз нафақат оиламиз дастурхони, балки бозорларимиз кўрки ва файзи бўлмоқда.

Хатирчи туманида миришкор инсонлар кўп. Меҳнат фахрийси Аҳмад ака Исмолов шулар-дан бири. Асли касби инженер-механик бўлган бу сергайрат отахон пенсияга чиққан бўш ўтиришни ўзига эп кўрмади. Фарзандларига бош бўлиб, ўзи яшаётган “Чағатоӣ” маҳалласидаги ҳовлисини ча-манзорга айлантирди. Ҳозир 4,5 сотих иссиқхо-насида 3000 тул помидор ҳосилга кирган. Бундан ташқари, томорқанинг 5 сотих ерига картошка, пиёз, помидор, бодринг ва ловия экилган. Серфайз хона-доннинг каттагина боғи ҳам бор.

Яна бир томорқачи Рўзигўл Назарова 30 йил мо-байнида Навбаҳор тумани тиббиёт бирлашмасида ҳамшира вазифасида ишлаган. Салкам 70 ёшни қаршилаган Рўзигўл опа ҳозир оила аъзоларига бош бўлиб, фарзандлари ва набиралари билан то-морқа ишларида банд. У хонадонидagi мўъжазгина иссиқхонада ўндан ортиқ лимон қўчати, томорқа-сида эса полиз ва сабзавот экинларининг барча турлари парвариш қилинмоқда. Бурқут қишлоғига кираверишдаги ушбу хонадон ҳар томонлама обод



ва тозаллиги, дарахт ва гулларнинг қўплиги, томорқа-сининг яшнаб турганлиги билан ажралиб туради. 20 сотих ерида 35 тул анор, 40 тулга яқин турли навлардан иборат ток, 35 тул ёнқок, 15 тул бодом қўчати утказилган.

— Узоқ йиллар соғлиқни сақлаш соҳасида ишла-дим, — дейди Рўзигўл опа. — Аслида ҳозир кекса-лик гаптини сурадиган ёшдаман. Лекин мени хануз меҳнат завқи тарк этгани йўқ. Чунки меҳнат қилган кишининг дастурхони тўкин, ҳаёти фаровон, та-ни-жони соғ бўлади. Буни ҳаммаша фарзандларимга, келинлар ва набираларимга ўқтириб келаман.

Рўзигўл опа камтарин, шу билан бирга, саховат-ли. Рамазон ойи бошланиши билан қишлоғидаги ногиронлиги бўлган 2 нафар инсоннинг оиласига гўшт, ўсимлик ёғи, картошка, гуруч каби озиқ-овқат маҳсулотлари улашди.

Мазкур тумандаги “Пахтакор” маҳалласининг “Кексалар маслаҳати” гуруҳи аъзоси, 62 ёшли Нуриддин ака Мирзаевнинг томорқаси ҳам кўзни қувонтиради. Негаки, бу ердаги 4 сотихдан иборат иссиқхонада помидор ва бодринг қўчатлари ҳосилга кириш арафасида. Яна 4 сотих майдонда экилган картошка баравж, ҳадемай ўз ҳосилини беради. То-морқада бирор бўш жой йўқ. Қўп йиллар давомида

“Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида чилангарларга бригадирлик қилган бу инсон фарзандлари ва оиласи билан ўз томорқаси-да барча турдаги озиқ-овқат экинларини экиб парва-ришламоқда. Хонадонда чорва моллари ва парран-далар ҳам бор.

— Меҳнат билан умр қандай ўтгани ҳам билин-майди, зеркиш йўқ, — дейди завқ билан томорқа-чи Нуриддин ака. — Президентимиз ёшларимизга катта имконият берапти, бунақаси аввал бўлмаган. Шундай экан, ёшларимиз экин экиш, деҳқончилик билан машғул бўлса, бундан ҳамма ютади. Бо-зорларимиз сероб, арзончилик бўлади. Ёшлар-га насиҳатим шуки, меҳнат инсонни улуғлайди. Соғлиқ учун ҳам фойдаси катта. Иш билан банд одамнинг кайфияти кўтарилади, ҳаётга завқи ошади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Навоий вилоя-тида фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари азму шижоат билан тер тўкиб, меҳнат қил-моқда. Элимиз дастурхони тўқинлигини, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўш-моқда. Асосийси, ёши улугларимиз ўзларининг бой тажрибалари, ҳикматли ўғитлари билан аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнатсеварликка ундамоқда.



МАТОНАТ ДАРСИ

Шухрат АЗИЗОВ,
журналист

Ватан мендан ташқари ҳам, ичкари ҳам эмас. Ташқарим ҳам, ичкарим ҳам Ватандир. Оёғим остидаги тупроқ ҳам, тупроқдан яралган жисмим ҳам Нажмиддин Кубролар ўз имонидай севган шу азиз Ватаннинг бир қисмидир.

Не бахтки, биз уруш кўрмаган авлодимиз. Ҳатто оталаримиз, айримларимизнинг боболаримиз ҳам Иккинчи жаҳон урушидан кейин туғилган, ўша авлод вакили бўлмиш падари бузрукворим эса, биздан фарқли ўлароқ муҳораба кўрган — Афғон урушида иштирок этган. Момомизнинг ёлғиз-гинасидан ҳадеганда хат-хабар бўлавермагач, “Отаси соғ-омон қайтса, ҳали бундай ўғиллардан нечтасини кўраман”, деб ўйлаган онамиз мени қўблагохимизнинг бошидан садақа қилиб, қорда — ташқарига чиқариб қўйган экан.

Ҳа, менга Бобурдек зоти аълонинг Тақдирин чапласи тушгани тўғри. Омондир Афғондан қайтган отанинг Бошидан садақа қилинган ўғли.

Дарвоқе, Исмоилнинг бўғзини пи-чоқ кесмаганида отаси қанчалар суюнганию, ҳамду сано айтганини тасаввур қила олмасизми?! Менинг ҳам азбаройи ҳаётим асраб қолингандан эмас, “Эр — аёлнинг Ватани” деб билган онам шу азиз Ватан учун арзимас жонини радди балоликка лойиқ қўрганидан, эл-юртим — ота-онамнинг қорига яраган-ярамаганидан қатъи назар, икки жаҳоним ҳали-ҳануз қаршида қучоқ очиб турганидан шукронам чексиз.

Не бахтки, биз уруш кўрмаган авлодимиз. Раҳматли бобомиз Тойир Юсупов Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. “Тойир ака” деса, ҳали ҳам

одамларнинг кўз ўнгига етимпарвар, дўст-биродарлари — элдошларини нафақат фашист босқинчилардан, ҳатто гдланчилар қанғалидан олиб чиқиш учун жонини жабборига берадиган жўмард инсон сиймоси гавдаланади. Ватанимни ҳимоя қиламан, деб 17 ёшида урушга кетган. Дарвоқе, уруш ҳаётнинг қадр-қимматию, инсоннинг ор-номуси, одамлик шарафини ерга уриб, уни лоақал бир буюмчалик ҳам кўрмайдиган шафқатсиз жараёндир. Ўша вақтда бўзбола бўлган бобомиз (1944-45 йиллар) икки марта жароҳатланган. Елкасида осколкадан қолган муҳиш “ўйиқ” бор эди; кўксига бош қўйса, ўша жароҳат ўрнига муштимизни ботириб ўйнардик — суяги йўқ, лиқидлоқ жой эди.

Болалик хотираларидан яна эсда қолгани, энг қаттиқ таъсир қилгани — бобом ҳикоя қилиб берган мана бу воқеадир:

— Бир неча кун сув ичида ётдик. Дарёнинг у қирғоғидан бу қирғоғига арқон тортилган. Оқиб кетмаслик учун белимиздан боғлаб қўйилганмиз. Аскарлар оқдан, ё совуқдан музлаб ўлмаслиги учун арқон орқали ҳар ярим соатда спирт, қуртилган балиқ, қолбаса ё сосискага ўхшаш алланималар айлантириб турилади. Бундай азоб-укубатларга дош беролмай ўлганларни арқондан бўшатиб юборамиз, кўзи очик қолган мурдалар сув тубига қўкиб-қўкиб кетаверади. Ўшанда биз билан бирга бўлганларнинг кўпи урушдан сўнг уйланди, уй-жой, том-тош қилдию бир умр тирноққа зор бўлиб ўтди. Уруш нафақат 20 миллион одамнинг, яна қанчадан-қанча туғилмаган гўдакларнинг ҳам бошига етди, не-не йигитларнинг пуштини қуритди...

Бобом ким, қандай одам бўлганини вафотидан сўнг яхшироқ билдим.

— Мен тириklar орасида юрганим билан ўлиklar рўйхатидаман, — деди бир кун узоқдан тўғри мен томонга қараб келган одам.

— Қимлардансиз?

Тойир Юсупов номини эшитгач: — Ў, — деди, — айнан шу одамга ўхшаш-

ганим учун сизни бир четга тортдим. Биласизми, КГБ мени аллақачон йўқ қилиб юборган бўлиши керак эди. Бобонгиз “ўлган” деб ҳужжат қилгани учун ҳам мен ҳозир ҳаётман. Бир умр маош оладиган давлат ишларида ишолмаган, нафақага чиқолмаган бўлсам-да, ҳар қалай тирикман. Яшайман. Гўринг нурга тўлгур Тойир ака эса, орамизда йўқ.

Ҳа, фронт ва фронт орти заҳматлари урушда иштирок этган ота-боболаримизни чинакам ватанпарвар, адолатсизликка жим қараб туролмайдиган, матонатли, мард ўғлонларга айлантирди. Бор будини — тилло тақинчоғидан тортиб, иссиқ кийим-кечаги, идиш-товоғигача “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун” шиори остида жангчиларга жўнатган оилаларнинг болалари ўзи оч-юпун бўлса ҳам, жанггоҳлардан Ўзбекистонга эвакуация қилingan миллионлаб тенгқурлари билан бир бурда нонини баҳам кўрган ва уларнинг ҳақ-хуққини ўз ака-укасининг ёнини олаётгандек қаттиқ туриб ҳимоя қилган. Ўша авлод вакили бўлмиш таниқли журналист ва адиб Зойир Мамажоновнинг “Мой қани?” сарлавҳали илк танқидий мақоласи “Ғалаба учун” газетасида чоп этилганида, у ҳали бор-йўғи 2-синф ўқувчиси эди. Зойир ака оламдан ўтгач, онаси Ҳанифа ая ўша воқеани алам ва ифтихор билан эслаганди:

— Фельетон чиққач, уйимизга қолхоз раиси келди.

— Зойир Мамажонов ким? — деди. Кўзлари қанчаб турган болақайни кўриб ёқасини ушлади. — Сеними?! — деди катта одамлардай салобат билан кўришган жиккакка болага қараб. — Келажақда сендан катта одам чиқади.

Ҳа, урушдан кейинги оғир йилларда бева-бечораю етим-есирлар, қаровсиз болалар қўнайиб кетган, бунинг устига, ҳимоясиз оқизаларнинг оғзидаги ошига қўл қўзадиганлар ҳам топилар эди. Зойир Мамажоновнинг дастлабки болаларча қадами ана шундай бева-бечораларни ҳимоя қи-

лиш бўлди. Кейинчалик ҳам у бир умр маълумлар қисматини обрўси, шахсий манфаатидан устун қўйиб яшади. Ходимлари, шоғирдалари, ҳатто етти ёт бегона ҳақиқатгўйлар учун қўрбон бўлишга тайёру, ҳеч қачон, ҳеч кимни ўзи учун қўрбон қилмасди. Аслида, бу ҳам жаҳолатга қарши маърифат ҳаракати, зулмга қарши илм билан қурашишнинг бир усули, ўзига хос шиддатли жанг — маънавий жасорат эди.

Ҳаётининг энг қийин, синовли дамларидан уч гўдаги, уч ёш боласини киприги устида кўтариб ўтган, Зойир ака қайта-қайта қамалганда тишини-тишига қўйиб чидаган Ҳанифа ая Мамажоннова, қаҳатчилик йилларида ун етимни ўлимдан асраб қолган Майрам момо Ёрмухаммедова ёхуд ёстиқдоши Афғондан эсон-омон қайтиши учун ҳатто ўз фарзандини эҳсон қилишдан тоймаган онажоним тортган азоб-укубатларни эсласам, тилимни тишлаб қоламан.

Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Агар Аллоҳдан бошқага сажда қилиш мумкин бўлганида, аёлларга ўз эрларига сажда қилишни буюрган бўлардим”, деган эканлар. Нега?! Имони бутун аёл борки, ҳеч ким, ҳеч нарсани — ҳатто бўйи қариб олтинни ҳам ўз эрига шерик қилиб бўлмаслигини яхши билади, лоақал ҳазиллашиб ҳам. Шундай экан, нега энди биз бола-чақаси учун ҳар қандай фидойиликка тайёр мўътабар зотларнинг ўз уй-жойи — кичик Ватанига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, сабр-тоқати ва буюк садоқати қошида бош эмгаслигимиз, уларга жон нисор қилмаслигимиз керак? Ахир, бу имондай азиз Ватан пойдеворига қўйилдиган илк гиштар-ку!

Фронт ва фронт орти заҳматларини тотган ота-боболаримиз, момоларимиз ҳеч қандай мукофот, таъмаларсиз ҳам шу азиз Ватан, эл-улус учун бир умр сидқидилдан хизмат қилдилар, келажақ авлодга улкан ибрат мактаби бўлиб, жонли тарих, осуда Ватан тимсолига айландилар. Ўз авлодларининг бугунгидай дорилмомон кунларда умргузаронлик

қилиши учун, қолаверса, аҳли аёли, бола-чақасига хавфсиз бошлапа, тиргак бўлиш учун ҳам тирик қолишга уринган ва бунинг урдадан матонат соҳибларидан ҳаёт қадрини ҳар қанча ўргансак, ҳар қанча ардоқласак, оз.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ўқир эканман, ота-боболарим машаққати, матонатини кўз олдимга келтирдим. Фармонга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларга 12 миллион сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилангани, мутасадди ташкилотлар зиммасига карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда, Ватанимиз овозлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маънавий-маърифий кечалар ўтказиш вазифаси юклангани айланимуддадир. Чунки, қарорда таъкидланганидек, “Халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлик ва матонат, олижаноблиги, меҳр-муруввати ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбларимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаб, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашга илҳомлантиради”.

Яна бир муҳим жиҳати, бу йил нафақат уруш қатнашчиларию фронт орти фахрийлари, балки “**бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш**” ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги барча фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Уларнинг оила аъзоларига моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, турар жой ва уй ҳўжаликлари таяммирлаш, ободонлаштириш, фахрийлар соғлигини доимий назорат қилиш, санаторийларга бепул йўлланма бериш инсон манфаатлари ва қадр-қиммати ҳар нарсадан устувор эканидан далолатдир.

Айниқса, “Ғалаба боғи” ва бошқа белгиланган жойларда ҳарбий техникалар намойиши, Иккинчи жаҳон уруши композициялар инсталляциясини, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ-қўйилари ҳамда тегишли шароитларни яратиш ўша даврнинг рамзий манзарасини кўз ўнгимизда қайта жонлантириб, ҳаётни, тинч-осуда кунлар қадрини теран ҳис қилишга ундайди. Токи ёш авлод юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиб, чуқур англасин — ҳаёт нақадар гузал ва аждодлар матонати биз учун улғу дарсдир.

УРУШ ЯРАЛАГАН ҚАЛЬЛАР САДОСИ

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида бўнёд этилган Ғалаба боғини набираларим билан зиярат қилдик. Мажмуадаги ҳар бир экспонат ва лавҳаларни кўздан кечирар эканмиз, ўзимизни тарихнинг ўша заҳматли йилларига тушиб қолгандек ҳис қилдик. Ана шу кезларда беихтиёр бобом ҳақидаги хотираларимни набираларимга сўзлаб беришга аҳд қилдим. Зеро, уруш яраллаган қалблар сабоғи ҳақидаги ҳикоялар ёшларимиз тарихни тўла идрок этишида муҳим аҳамият касб этади.

1941 йил 22 июнь. Эрта тонг, соат миллари учини кўрсатаяпти. Валижон соқчилик қилаётганда танқин ҳаводан эти жунжқиб, танкнинг шамолдан пана жойига ўтди. Катта сержант Валижон Сайдалиев зиярат қилаётган ҳарбий қисм Неман дарёси устидаги, Алитус шаҳрига олиб боровчи кўприкни қўриқлар эди. Бир кун олдин Бош штабдан ёзма буйруқ келган, қисм ўз қароргоҳини ташлаб, аввал белгилаб берилган мудофаа чизикларини эгаллаши лозим. Болтиқбўйи махсус ҳарбий округининг 10-армияси 5-танк дивизияси 5-мотоўқли полкига душман ҳужум қилиб қолса, катта стратегик аҳамиятга эга мана шу кўприкни мудофаа қилиш ҳақида буйруқ берилди.

Ҳужум хавфи эса анча юқори эди. Чунки сўнгги кунларда немис-фашист қўшинлари анча фаоллашиб, гимирлаб қолишган. Лекин бугун ғайриоддий жимжитлик ҳукм суларди, фақат дарёнинг сокин оқиши ва балиқларнинг сув бетига сакраб чиққанда шалоплаши эшитилиб турибди. Дарёнинг нариги соҳилидан қандайдир қўшиннинг сайрашини айтмаса, ҳаммаёқ сукунатда. Чегара ортидан мотор ва қўшинларнинг туну кун эшитилиши



турган шовқини босилиб қолди. Танкнинг ёнида турар экан, ҳаёли Валижонни узоқ Тошкент шаҳрига олиб кетди. Шаҳрдан оқиб ўтувчи Анҳор қанали ёдига тушди. Қандай мафтункор эди Анҳор соҳиллари... Кўз олдида Тошкентнинг қадим Себзор даҳасидаги келинчақлар сув сепиб қўйган кўчалар намоён бўлди. Улар қанчалик узокда эди. Валижон армия хизматини ўтаб, тезроқ она шахри Тошкентга қайтиб боришни орзу қиларди. Уйда қолган ота-онаси, ака-укаларини ва опа-сингилларини эслар экан, уларни қанчалик соғинганини шу бугун англади. Онаси Собу-

ра ая билан Юнусободдаги бог ҳовлиларида хайрлашган эди. Тўрт ўғил ва уч қизни вояга етказган муштипар онанинг қалби ўқсиқ, чунки катта ўғли Ғани турли бўҳтонлар натижасида “халқ душмани” сифатида қамалган эди. Мана, учинчи ўғли Валижон ҳам армияга кетаяпти, жигарпораси уни ташлаб, узоқ юртларга жўнаётди. Бу воқеалар 1939 йил 18 октябрда бўлган эди. Мана, бунга ҳам қарийб икки йил бўляпти.

Валижон бир ойдан ортик вақт поездда юриб, Литваннинг Алитус шаҳрига келиб тушди. Аввалига қийналди, чунки тил муаммоси бор эди, кейинчалик кўниқиб кетди. Бошқалардан зукюлиги билан аҳралиб турган йигитни сержантлар мактаби-га кичик командирликка ўқишга юборишди. Ўқишни муваффақият билан تامомлаган Вали “Т-28” танки командирини этиб тайинланди. У ўзини кўрсатиб, кўмондонликнинг олқишларига сазовор бўлди. Айниқса, унинг экипажи нишонини аниқ мўлжалга олиш ва яқсон қилишда жуда катта ютуқларга эришди ва улар ҳақида “мерган экипаж” деб гапира бошлашди.

Танк қанотида ўрнашиб ўтириб олган Валижон яна ҳаёллار уммонига фарқ бўлди. Армияга

унинг севган қизи бор эди, исми Мунаввар. Бу қиз билан Валижон мактабда бирга ўқиган. Афсуски, армияга кетишдан сал аввал уни ота-онаси узатиб юборишди.

Соат миллари тўртга яқинлашганда узокдан самолётларнинг гувиллаган товуши эшитилиб қолди. Бу шовқин тобора кучайиб бориб, бирданига кучли портлаш овози эшитилди, кейин бундай портлашларнинг кети узилмади. Юзларча душман самолёти шаҳар ва қишлоқларга бомба ташлаб, уларни бир зумда вайронана айлантирди. Бу бомбардимондан сўнг юзларча танк ва замбараклардан ўққа тўтилди. Ҳамма ер остин-устин бўлиб кетди. Соат миллари олтига яқинлашмоқда эди. “Душман бизни уруш қилишга ундаётган ҳийла бўлмасин бу, жавоб ўтини очишга шошилманлар”, деб уқтирарди командирлар.

Соат миллари саккизга яқинлашганда танк ва зирхли машиналар панасида фашист гезандаларига ўз ихтиёридаги танк ва замбараклардан ўт очди. Жанг жуда қисқа, лекин шиддатли ва аёвсиз бўлди. Таҳминан қирқ минут давом этган жангда душман 190 га яқин танк ва зирхли машинаси ҳамда юзлаб пиедасини йўқотди. Гитлерчиларнинг биринчи ҳужуми қайтарилди. Катта сержант Валижон Сайдалиевнинг “Т-28” танки душманнинг бир танки, иккита зирхли машинасини ва ўнлаб аскарини йўқ қилди. Лекин бу болашичи эди.



Душман кучларини қайта сафлаб, яна ҳужумга ўтди. Бу сафар кучлар нисбати жуда номуносив эди. Мудофаадаги оз сонли қўшинга душман ўн қара устун куч ташлади. Аввалига 5-танк дивизияси ҳужумни қайтариб, катта талафотлар етказди, душманнинг бир қадам олдинга силжишига йўл қўймади. Бироқ Алитус шаҳрининг иккинчи кўпригини қўлга киритган гитлерчилар ҳужумни ривожлантириб, Валижон хизмат қилаётган дивизияни ўраб олди ва асосий кучларини яқсон қилди. Дивизиянинг омон қолган қисми ўрмон орқали жанглар билан Белорусия томон кечинди. Бу ҳақдаги маълумотларни зирхли танк қўшинлари бош маршалли А.П.Ротмистров “Пулат гвардия” номли мемуарида ёзиб қолдирган. Катта сержант Валижон Сайдалиев ўз экипажи билан жангда қаҳармонларча ҳалок бўлди.

Албатта, улар ҳалок бўлган ер душман қўлида бўлиб, қаерга қў-

милгани (қўмилганмикан?) ҳануз-гача номаълум. Уруш ҳам тамом бўлиб, Валижоннинг ота-онасига ҳеч қандай хабар етиб келмаган. Бир неча мартабга мурожаатдан сўнг Подольск шаҳридан “ўғлингиз бедарак кетди” мазмунида жавоб олишади. Урушдан кейин Сайдали отанинг уйига ҳарбий комиссариатдан офицерлар келиб: “Ўғлингиз учун давлат сизига товон пули тўламоқчи. Чунки Германия голибларга товон пули тўлади. Биз билан юринг, нафақа расмийлаштириб берамиз”, дейишди. Лекин Сайдали ота бунга жавобан: “Ўғлимнинг хунини емайман, ундан қўра ўлганим яхши”, дейди. Бошқа миллат вакиллари бўлган офицерлар бундай жавобни қутмаган эди. Отажонни кўндираман деб роса овора бўлишди, кўндира олишмади. Чол ўз гапида туриб олди: “Мен қандай қилиб ўғлимнинг хунини емайман, нариги дунёда унга нима дейман?”. Бу ўзбекларга хос характер. Ўзбекларга хос

ор-номус ва ғурур отанинг ўғли учун нафақа олишига йўл қўймади. Чунки Сайдали ота голиб халқнинг вакили, у эл-ўлгунча шундайлигича қолди.

Тарихимизнинг мана шундай шонли саҳифаларини ёшларимизга ўрнатиб қилишда кўрсатишимиз керак. Бугунги ёруғ кунларда яшаб юришимиз учун ота-боболаримиз Брестда, Москва остонасида, Сталинградда, Курск ва Берлинда қон тўкишган ва жонларини фидо қилишган. Ўзлари билмаган ҳолда ўша жанггоҳларда мустақиллигимизнинг пойдеворини қўйишган, десак асло муволаба бўлмайди. Ёш авлод қалбига бу ҳақиқатларни синдириб боришимиз энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Тўлқин САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат ҳавфсизлиги
университети доценти,
истеъфодаги подполковник

ТАРИХ ҲАҚИҚАТЛАРИ

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ

“Буюк аждодларимизнинг мардлик ва матонати, меҳнат жасорати бугунги ва келгуси авлодлар учун ибрат намунасидир”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



**Бунёджон АЗАМатов,
Ички ишлар вазирлиги
Ахборот хизмати
бош мутахассиси,
катта лейтенант**

Ички ишлар органлари тарихи музейи Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ишлар органлари тарихи музейининг янги экспозициясини шакллантириш ва музей фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги мажлис



баёни асосида ташкил этилиб, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган эди.

Музей Ички ишлар вазирлиги ва тизимда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти, истиқлол йилларида эл-юрт осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида эришилган ютуқлар, бу йўлда самарали хизмат қилиб, ўрнак қўсатган ходимларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини, хизмат давомида шаклланган анъаналарни шахсий таркиб, кенг жамоатчилик, курсантлар ва бўлажак ёш мутахассислар орасида тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган.

Сўнгги тўрт йил мобайнида музей замонавий талабларга мос равишда реконструкция қилиниб, қайта жиҳозланди. Музейда Ўзбекистон ҳудудида хавфсизлик ва ички тартибни сақловчи тузилмаларнинг шаклланиш тарихи, Ички ишлар соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳамда тизимда малакали кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлиги, уларнинг ижтимоий муҳофазаси масалалари акс эттирилган. Шунингдек, жиноятчиларни зарарсизлантиришда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, хизмат пайтида

Президентимиз томонидан 2017 йил 10 апрелда имзоланган “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибни, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ички ишлар органлари фаолияти танқидий таҳлил қилинган. Шунингдек, тизимда тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари аниқ қайд этиб ўтилган. Ички ишлар органларини эл-юртга собитлик билан тезкор ва самарали ёрдам кўрсатадиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш асосий устувор вазифа этиб белгилаб берилган.

Ички ишлар органлари тарихи музейининг соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига доир экспозицияларини шакллантиришда давлатимиз раҳбарининг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши зарурлиги таъминлирини амалдаги ижросини акс эттирадиган муҳим маълумотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Ҳар қандай экспозициянинг асосий вазифаси ва ғояси ички ишлар органлари фаолиятидаги ижобий ишларни тарғиб қилиш орқали музейга келадиган ходимлар, тинловчи-курсантларни Ватанга муҳаббат ва ўз касбига садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятига ишончи, юксак эътибори ва ҳурматини оширишга ҳисса қўшишдан иборат, — дейди музей бошлиғи, милиция подполковниги Н.Муллажонов.

Ички ишлар органлари халқимизнинг ҳимоячиси ва қўмакчиси, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати эканлигини тарғиб қилишда ушбу музей алоҳида аҳамият касб этади.

Музейда режа асосида турли маънавий-маърифий, сиёсий-тарбиявий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Бу ерда биринчи навбатда, ички ишлар органлари фаолиятига доир қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек, ички ишлар вазири томонидан соҳани такомиллаштиришга доир буйруқлар тарғиботи амалга оширилади. Хусусан, “Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти”, “Одам савдоси билан боғлиқ халқаро жиноятчилик, унинг хусусиятлари ва шакллари” каби ғоят долзарб мавзуларда мулоқот ва суҳбатлар, “Ёш китобхон” танловлари ўтказиб келинмоқда.

Музейда ички ишлар идораларининг чинакам тарихи ҳаётий мисоллари, муҳим ҳужжатлар ва ашёлар орқали кўрсатилган. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти, жиноят дунёси билан олиб борилган кураш жараёнларида намоён этган мардлик ва жасоратлари таъсирчан воситалар билан ифодаланган. Шу аснода музей ҳуқуқий тарбия масканига ҳам айланган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги тўрт йил мобайнида янгиланаётган Ўзбекистон ўз тарақиётининг янги босқичига қўтарилиб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил қадам ташламоқда. Барча соҳалар сингари ички ишлар органлари тизимида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз томонидан халқни ягона мақсад атрофида бирлаштириш борасида олиб борилаётган одилона сиёсатни қўлаб-қувватлаш, шу Ватан равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиш, чинакам меҳнат билан бошқаларга ибрат бўлиш, ички ишлар органлари ходимларига юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди. Зеро, Ватан туйғуси барчамиз учун муқаддасдир.

МОЗИЙДАН САДО


Зараутсой ёдгорликларини кўрганмисиз?

Ҳикматилла ҚАРШИЕВ,
Сурхон давлат кўриқхонаси
директорининг илмий тадқиқот
ишлари бўйича ўринбосари

Ўзбекистонда ўттиздан зиёд муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд — кўриқхона, миллий бог, нодир табиат ёдгорликлари мавжуд. Шулардан бири — Сурхон давлат кўриқхонаси ҳудудидаги Зарауткамардан бундан 80 йиллар бурун ноёб қоятош суратлари, петроглифлар топилиган. Улар бугун нодир ёдгорлик ҳисобланади. Айтишларича, таниқли rassom Рўзи Чориев ёшлигида Зарауткамарга экскурсияга бориб, қадимий суратларни, ундаги ов манзараларини кўриб илк ижодий ишларини яратган.

Қадимги палеолит даври ғор суратлари биринчи марта Испаниянинг Сантандер вилоятидаги Альтамира ғоридан топилиган. Ушандан буён дунё олимлари ва аҳолисида тошларга битилган қадимги суратлар катта қизиқиш уйғотиб келади. 1939 йили Сурхондарё округ музейи ўлкашунослари Иван ва Елена Ломаявалар маҳаллий аҳоли кўмагида Зарауткамардан шундай суратлар коллекциясини топади. Шундан кейин ўрганиш ишлари бошланади. 1940 йил Зараутсой қоятош рангтасвирини ўрганиш бўйича махсус экспедиция ташкил этилади. Экспедиция аъзолари уруш йилларидаги очарчилик ва қаҳатчиликка қарамай, бу ердаги суратларни ўрганиб, барчасини кўчиртириб, тарихга муҳрлагани таҳсинга сазовор.

Таниқли тадқиқотчи А.Холмиззаевнинг хулосасига кўра, Зараутсой қоятош суратларини ўлчамига қараб шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин. Жумладан, ҳажми 60х80 сантиметр юзани эгаллаган суратларда овчилар ёввойи ҳўкизларни овлаётгани тасвирланган. Ҳажми 80х120 сантиметрли суратлар устидан арабча дуо ва исмлар ёзилган. Ҳажми 60х100 сантиметрли суратларда одамлар ниқобларда тасвирланган. Ҳажми 40х40 сантиметрли суратларда ов сахналари тасвирланган ва одамлар тасвирининг баландлиги тўрт сантиметрдан ошмайди.



— Бу луғат ижтимоий-сиёсий терминология борасидаги ишларимиз деб очаси, — деди тақдимотда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат Сирожиiddинов. — Ҳали бу борада қиладиган ишларимиз жуда кўп. Катта-катта луғатлар тайёрлаб, одамларимизнинг ижтимоий-сиёсий билимларини оширишга тилни ривожлантириш, изоҳли луғат орқали сабабчи бўлиш биз, тилшунос олимлар олдидаги энг катта вазифалардан бири. Тақдимот давомида сўзга чиққанлар луғат тузиш ғоят машаққатли жараён экани, шундай бўлса-да, босқичма-босқич мана шундай китобларни нашрга тайёрлаш зарурлигини таъкидладилар. Зеро, тилимиз янги сўзлар билан анча бойиди. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бутун дунёга тобора очилиб бораётгани боис, тилимизга қўлпаб хорижий сўзлар ўзлашмоқда. Шу боис, бугунги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган турли соҳага доир изоҳли луғатларга катта эҳтиёж сезилапти. Айниқса, мамлакатимиздаги туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар нуктаи назаридан ижтимоий-сиёсий терминларнинг изоҳли луғатини тузиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тақдимотда берилган маълумотларга кўра, йил охирига қадар яна 20 номдаги қўлланма ва китоб нашр этилиб, қўлпаб соҳа вакилларига тақдим этилади. Бу эса ўзбек тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузини, аввало, соҳалар кесимида, қолаверса, бутун мамлакатимиз миқёсида янада оширишга хизмат қилади.



секин-аста рассомлик, ҳайкалтарошлик ривожланишида, ёзув яратилишида пойдевор вазифасини бажаргани ҳақиқат.

Зараутсой рангтасвир галереяси тадқиқотчиси Г.Парфёнов турли камарларда 264 та суратни топади ва текшириб, бу ердаги асосий суратлар палеолит даврида, А.Формозов эса мезолит даврида яратилган, деган фикрни илгари суради. Бундан ташқари, у ерда X-XII асрга тегишли суратлар, тўғрироғи, ёзувлар ҳам бор.

Зараутсой суратларининг 10-20 минг йиллар олдин яратилгани Сурхон воҳаси Марказий Осиёда цивилизациянинг илк ўчоқларидан бири бўлгани исботидир. Зеро, айнан шу ерда аждодларимиз биринчи бўлиб санъатга қўл урган, ёзиш, рассомлик, ҳайкалтарошлик билан шўғулланган, ёввойи ҳайвонларни, хусусан, итларни хонакешлаштирган. Шунингдек, суратларни чизишда биринчи марта рангли бўёқлардан фойдаланган, бошқа жойлардаги қоятош тасвирларидан фарқли ўлароқ, суратларни очик қояларга эмас, балки ғор шифти ҳамда деворларига чизган.

Шу ўринда бир жиҳатни афсус билан таъкидлаш лозим. 20 минг йил олдин аждодларимиз яратган ушбу санъат дурдоналарини бугун — XXI асрда кўпчилик кўрмаган, билмайди. Яна бир ачинарли ҳол шуки, айрим юртдошларимиз ушбу суратлар устига ўз исмлари ҳамда бўлмағур сўзларни тирнаб ёзиб ташлашган.

Бугун экотуризмни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири. Маълумотларга кўра, туризмнинг бошқа турлари йилига ўртача 5 фоиз ўсаётган бўлса, экотуризм манзиллари йилига ўртача 30 фоизгача кўпайиб, ишқибозлар сафи ортмоқда. Шундай экан, Зараутсой тарихий ёдгорлигини маҳаллий ва хорижий меҳмонлар ташриф буюрадиган масканга айлантириш, бунинг учун қўлай шарт-шароит яратиш давр талабидир. Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2020 йил 20 ноябрдаги қароридан вилоятда 395,6 гектар майдонда экотуризм ҳудудини барпо этиш белгиланган. Шу қарорга биноан, Зараутсой ёдгорликлари маскани ҳам экотуризм зоналаридан бирига айлантирилса, нур устига аъло нур бўларди.

